



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 3 март, сешанба, №24 (3670).



»» Президент

ШУКРОНА – БИРДАМЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ТИМСОЛИ



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев қозоғистонликларни Шукрона куни билан табриклади. Бу ҳақда Президентнинг матбуот хизмати хабар берди.

Табрикда таъкидланишича, Шукрона куни халқимизнинг энг улуғ қадриятларини – ўзаро ҳурмат, меҳр-шафқат ва бирдамликни улуғлайдиган байрамдир. Бу фазилатлар халқимиз қонига сингиб кетган бўлиб, жамиятда ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаяди.

“Яқинларимизга миннатдорчилик билдириш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш ва оғир дамларда ёрдам қўлини чўзиш – инсонийлик, меҳр-оқибат ва олижанобликнинг энг юксак ифодасидир. Бугунги муррақаб ва таҳликали даврда ушбу қадриятларнинг аҳамияти янада ортмоқда”, дейилади Президент табригида.

Давлат раҳбари оғир ва синовли даврларда мамлакатни сақлаб қолиб, халқимизга бой маънавий мерос қолдирган улуғ аجدодларимизга чуқур эҳтиром билдирди.

Шунингдек, у ўқитувчилар, шифокорлар, маданият ходимлари, тадбиркорлар, ишчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимла-

ри, ўт ўчирувчилар, қўтқарувчилар ҳамда Ватан равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилаётган барча фуқароларга самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Ёшлар ва кўнгиллиларнинг жамият фаровонлиги йўлидаги фаол саяё-ҳаракатлари алоҳида эътироф этилди.

Президент мамлакат олдида турган муҳим вазифаларга ҳам тўхталиб, янги Конституция лойиҳаси инсон ҳуқуқларини химоя қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ҳамда мустақиллик ва эгменликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

– Шукрона куни мамлакат тақдири ҳар бир фуқаронинг қўлида эканини аниқлатади. Қонун ва интизом, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига амал қилсак, Кучли, Адолатли, Тоза ва Фаровон Қозоғистонни барпо эта оламиз, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари юртдошларимизга фаровон ҳаёт ва эзгу мақсадлар йўлида муваффақиятлар тилади.

Эрқайсымыздың дауысымыз маңызды!

15 НАУРЫЗ МАРТА РЕФЕРЕНДУМ

«Жобасы бұқаралық ақпарат құралдарында 2026 жылғы 12 ақпанда жарияланған Қазақстан Республикасының жаңа Конституциясын қабылдайсыз ба?» мәселесі бойынша

Референдум азаматтардың ерікті қатысуы, ойын ашық білдіруі, сондай-ақ жалпыға бірдей, тең, төте және жасырын дауыс беру қағидаттары бойынша өткізіледі

Қазақстан Республикасының Орталық референдум комиссиясы

www.election.gov.kz

ЯҚИН ШАРҚДА ВАЗИЯТ ОҒИР

Kazinform. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Хавфсизлик Кенгаши котиби Ғизат Нурдаулетовга Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашиши муносабати билан хавфсизлик масалалари юзасидан фавқулодда чора-тадбирлар ишлаб чиқишни топширди.

Давлат раҳбарининг топириғига мувофиқ, барча хавфсизлик идоралари кеча-кундуз ишлаш тартибига ўтказилди.

Бу тадбирлар мамлакатда хавфсизлик ва аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

ҚОЗОҒИСТОН – ТИНЧЛИК ВА ДИПЛОМАТИЯ ТАРАФДОРИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Қатар, Баҳрайн ва Қувайт раҳбарларига шахсий мактублар йўллаб, ушбу дўст ва қардош мамлакатлар халқларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Президент матбуот котиби Айбек Смадияровнинг маълум қилишича, Давлат раҳбарининг мурожаатларида минтақада юзага келган оғир вазият муносабати билан самимий ҳамдардлик ва бирдамлик изҳор этган.

Давлат раҳбари суверенитет ва хавфсизликка таҳдид солувчи ҳар қандай ҳарбий

ҳаракатларни қатъий қоралаб, барча муррақаб халқаро муаммолар ва қуролли можаролар фақат дипломатик йўллар билан ҳал этилиши лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Қозоғистон зарурат туғилган тақдирда қардош араб давлатларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини, уларнинг

олий раҳбарияти билан доимий мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Маълумки, 28 февраль куни Яқин Шарқ минтақасида ҳарбий ҳаракатлар авж олди. Бу вазият туфайли қатор халқаро авиақатновлар, жумладан Қозоғистондан амалга оширилмайдиган айрим рейслар ҳам вақтинча тўхтатилди. Ташқи ишлар вазирлиги хоризждаги қозоғистонлик фуқаролар учун тезкор алоқа рақамларини эълон қилди.

Kaztag.kz.



ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ КАФОЛАТИ



Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий воқеалардан бири – Янги Конституция лойиҳаси бўйича ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари давом этмоқда.

Сўнги етти йил ичида Қозоғистонда амалга оширилган туб сиёсий ва ижтимоий ислохотлар мамлакат тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Президент ташаббуси билан қабул қилинган тўртта ислохот тўплами, шунингдек, 2022 йилдаги конституциявий ислохот давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштириш, парламент ваколатларини кенгайтириш ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Бугун жаҳондаги геосиёсий ўзгаришлар, дунёвий иқтисодий рақобат ва сунъ-

ий идрок даврига қадам қўйиш мамлакатнинг Асосий қомусини замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Янги Конституция лойиҳасида ижтимоий кафолатлар тўлиқ сақлаб қолинган. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги бепул хизматлар аҳолини энг кўп қизиқтираётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айрим ахборот манбаларида тарқалаётган асосиз ва ёлгон хабарларга қарамасдан, давлатимиз ўзининг ижтимоий йўналишини қатъий сақлаб қолмоқда. Давлат бюджетининг қарийб 40 фоизи ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Янги Конституция лойиҳасида таълим

ва тиббий хизматлар бепул экани аниқ белгилаб қўйилган. Бу эса аҳолининг ҳаёт сифати янада яхшиланишига, ижтимоий адолатнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шунингдек, олий таълим муассасаларига нисбатан “давлат” атамасини чиқариб ташлаш таклифи ҳам замонавий ёндашув бўлиб, талабаларга хусусий университетларда ҳам давлат грантлари асосида бепул таҳсил олиш имкониятини беради.

Сўз эркинлиги масаласи ҳам Янги Конституцияда алоҳида эътибор марказида. Инсон шаъни ва қадр-қимматини химоя қилиш, қонун устуворлиги, адолат ва масъулият тамойиллари демократик жамият пойдеворини ташкил этади. Танқид қилиш ҳуқуқи сақланган ҳолда, ҳақорат ва таҳқирлашга йўл қўймаслик, жамиятда ўзаро ҳурмат ва маданий мулоқот муҳитини қарор топтиришга хизмат қилади.

Бундай кенг қамровли тарғибот ишлари, аввало, фуқароларнинг онгли иштироки, ҳуқуқий маданияти ва жамиятдаги фаол қарашларини шакллантиришга хизмат қилиб, Янги Конституциянинг халқ иродаси асосида қабул қилинишига мустақкам замин яратаяди.

Мухтасар қилиб айтганда, Янги Конституция – адолатли, демократик ва тараққийпарвар Қозоғистонни барпо этиш йўлидаги тарихий қадамдир.

Референдум арафасида ҳар бир фуқаронинг онгли танлови, фаол иштироки ва масъулияти мамлакатимизнинг келажакни белгилайди.

А. АБДУФАТТОҲ.



ТҮРКИСТОН ВИЛОЯТИ
ЎЗ РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАНГИЗНИ
БИЛАСИЗМИ?

CALL МАРКАЗГА ҚҮНҒИРОҚ ҚИЛИНГ

ТҮРКИСТОН ШАҲРИ	8 (72533) 5-91-87 8 707 930 96 70
АРИС ШАҲРИ	8 (725 40) 5-92-10 8 707 507 70 70 8 777 357 50 60
КЕНТОВ ШАҲРИ	8 (72536) 5-96-08 8 702 588 9494 8 707 885 92 75
БАЙДИБЕК ТУМАНИ	8 (72548) 2-12-71 8 771 886 79 47
ЖЕТИСАЙ ТУМАНИ	8 (72534) 7-97-15 8 701 837 00 99
ҚАЗИҒУРТ ТУМАНИ	8 (72539) 7-94-44 8 776 111 01 94
КЕЛЕС ТУМАНИ	8 (72532) 5-05-13 8 708 740 74 05
МАҚТАРАЛ ТУМАНИ	8 (72541) 2-12-35 8 702 177 71 06
ЎРДАБАСИ ТУМАНИ	8 (72530) 7-94-13 8 702 559 27 79
ЎТИРАР ТУМАНИ	8 (72544) 7-92-66 8 707 530 39 05
САЙРАМ ТУМАНИ	8 (72531) 5-98-53 8 701 373 11 84 8 778 902 65 95
САРИОҒОЧ ТУМАНИ	8 (72537) 7-97-10 8 702 850 56 50
САВРОН ТУМАНИ	8 (72545) 4-62-01 8 776 013 50 50
СЎЗОҚ ТУМАНИ	8 (72546) 4-27-91 8 705 439 10 37
ТЎЛЕБИЙ ТУМАНИ	8 (72547) 5-94-07 8 701 780 03 82
ТУЛКИБОШ ТУМАНИ	8 (72538) 7-94-08 8 747 406 24 10
ЧОРДАРА ТУМАНИ	8 (72535) 5-94-00 8 (700) 335 94 10 8 708 706 19 93

ЗАРУР АХБОРОТ ОЛИШ
УЧУН САЙТГА ЎТИШИНГИЗ
МУМКИН

ТЕЛЕГРАМ БОТ @TUR_SAYLAW_BOT
ВЕБ ПОРТАЛ HTTPS://TUR.SAYLAW.KZ




ШУКРОНА КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Туркистон шаҳридаги “Дўстлик уйи” биносида 1 март – Шукрона кунига бағишланган “Эл қалбидаги чексиз миннатдорчилик” мазуида байрам тадбири ўтди.



Тантанада вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси қошидаги “Жамоат тотувлиги” ДҚК раҳбарияти, ҚХА қошидаги вилоят тузилмалар, ЭМБ раислари ва аъзолари, журналистлар ва зиёлилар иштирок этди.

Тадбир доирасида этномаданият бирлашмалари томонидан кўргазма уюштирилиб, меҳмонларга минтақада этносларнинг маданияти ва урф-одатларини ёрқин тарзда намойён этди.

Тантананинг очилишида “Жамоат тотувлиги” ДҚК раҳбари Эльмира Жангазиева сўзга чиқиб, меҳмонларни Шукрона кунига кутлади.

Шунингдек, тадбирда ҳамжиҳатлик ва бирликни мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган бир гуруҳ фуқароларга эҳтиром кўрсатилиб, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев номидан ташаккурномалар тақдим этилди.

Тадбир концерт дастурига уланиб кетди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ: МУАММО, ЕЧИМ, САМАРА

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшероғовнинг Туркистон шаҳри аҳолиси билан ўтказган шахсий қабулида кўтарилган масалаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокими Азимбек Пазилбекули жойларда фуқаролар билан учрашув ўтказиб, долзарб муаммолар билан танишди.

Учрашув чоғида аҳолининг таклиф ва мулоҳазалари тингланди ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди.

Жумладан, 1-кичик туман ҳудудидаги ЭТА кўп қаватли уй-жой мажмуасида истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан тегишли идоралар ва мутасадди ташкилотлар зиммасига аниқ топшириқлар юкланди. Шунингдек, жорий йилда 1-кичик туманда жойлашган 2,3 ва 5 қаватли уй-жой мажмуаларининг олд қисмларини янгилаш ишлари амалга оширилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, Янги шаҳар ҳудудидаги “Жібек жолы” уй-жой мажмуасининг 1/1 ва 1/2 уйларида аниқланган қатор

камчиликлар юзасидан аҳолига тушунтириш берилди. Масъул бўлимларга ушбу нуқсонларни қисқа муддатда бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, 9-кўчада жойлашган 38/2 ва 38/3 уй-жой мажмуаларида ҳам аҳоли билан учрашув ўтказилиб, аризалар асосида тегишли идораларга вазифалар берилди.

Учрашув якунларига кўра, шаҳар ҳокими қурилиш бўлими ва тегишли соҳа мутахассисларига аниқланган камчиликларни тезкор ўрганиш ва босқичма босқич ҳал этиш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан аҳолини мунтазам хабардор қилиб боришни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Баҳорнинг илк кунини юртимизда Шукрона байрами билан бошланади. 2016 йилдан буён анъанавий равишда нишонланаётган бу сана бугун халқимизни бирлаштирувчи, узаро ҳурмат ва меҳр-оқибат рамзига айланган.

Бу куннинг илдизлари чуқур тарихга бориб тақалади. Утган асрнинг суронли йилларида тақдир тақозоси билан Қозоғистон заминига депортация қилинган ўз минглаб турли миллат вакилларини қозоқ халқи бағрикенглик билан кутиб олди. Уларни оғир аҳволда бўлса-да, охириги бир бурда нонини баҳам кўриб, бошлана берди.

БАҒРИКЕНГЛИК – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Қозоғистонда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оиладек аҳил ва ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилмоқда. Шукрона кунини ўтмишни ёдга олиб, бугунги тинчлик, барқарорлик ва фаровон кунларимиз учун тақдирдан рози бўлиш байрамидир. Бу кунни биз, аввало, ота-онамизга, устозларимизга, шифокорлару тинчлик зомонларига ва албатта, ён-атрофимизда елкадош бўлиб турган замондошларимизга самимий раҳматимизни айтамыз.

КЕЛАЖАК САРИ БИР ҚАДАМ

Шукроналик бор жойда барака бўлади. Зеро, ўзганинг қадрига етиш, яхшилиқни унутмаслик – олижаноблик белгисидир. Ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва инсонларга ҳурмат туйғусини шакллантиришда бу каби байрамларнинг ўрни беқиёс.

Салоҳиддин ҚАМБАРОВ,
Жетисай тумани ЭЎМБ раиси.

ПОКЛИК ВА МИННАТДОРЛИК АЙЁМИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқайев ташаббуси билан йўлга қўйилган “Тоza Қозоғистон” лойиҳаси доирасида 1 март – Шукрона кунини муносабати билан Сариев туманида навбатдаги халқ ҳашари ташкил этилди.

Тадбир давомида республика, вилоят ва туман аҳамиятидаги автомобиль йўллари бўйларига, шунингдек, аҳоли манзилларининг ички кўчалари ҳамда жамоат жойларида кенг кўламли тозалаш ишлари олиб борилди. Эрта тонгдан бошлаб ҳар бир муассаса ўзига бириктирилган ҳудудда санитария-тозалаш ишларини бошлади.

Шанбалиқда Сариев тумани ҳокими Арман Абдуллаев бошчилигида ҳокимлик девони ходимлари, мустақил бўлимлар, турли ташкилотлар жамоалари ва фаол фуқаролар иштирок этди. Ҳашар – юрта меҳрини амалий иш билан

намоён этиш фурсатига айланди. Шунингдек, баҳорги дарахт экиш мавсуми бошланиб, қатор кишлоқларда кўкаламзорлаштириш тадбирлари ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – жамиятда экологик маданиятни шакллантириш, атроф-муҳитга меҳр ва масъулият билан муносабатда бўлиш ҳамда ватанпарварлик қадриятларини тарғиб этишдан иборат. Мазкур ташаббус “Адолатпарвар инсон – ҳалол меҳнат – ҳалол даромад” тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Сариев тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

102 ЁШДАГИ ОТАХОН ҲУЗУРИДА

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР
УЛУҒ ВАТАН УРУШИ
ФАХРИЙСИНИ ШУКРОНА
КУНИ БИЛАН ҚУТЛАДИ

1 март кунини Қозоғистонда Шукрона кунини нишонланди. Ушбу байрам юртимизда халқ бирлиги, ўзаро ҳурмат ва тотувлик тимсолига айланган. Байрам арафасида ҳарбийлар анъанага мувофиқ, Улуғ Ватан уруши фахрийси Қалмен Муратовнинг хонадонига таширф буюришди.

Фахрийнинг уйда Ўрдабоши тумани Мудофаа ишлари бўлими раҳбари подполковник Бақдаулет Ташпўлатов ўринбосари билан бирга бўлиб, Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазири, авиация генерал-лейтенанти Даурен Қўсановнинг табрик хатини топширди. Унда фахрийларнинг матонати ёш авлодга



руҳий қувват бағишлаши таъкидланган. Меҳмонлар Ватан ҳимоячилари номидан Қалмен отага Она Ватан мудофааси, Буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси учун миннатдорчилик билдирдилар. Жорий йилда фахрий 102 ёшга тўлди. Қалмен Муратов иззат-ҳурмат учун раҳмат айтиб, мустақил Қозоғистонга тинчлик, осойишталик ва барқарорлик тилади.

– Юртимизнинг осмони ҳамisha мусаффо бўлсин. Ҳозирги авлод бахтли, сабаби улар тинч мамлакатда, мустақил давлатда умргузаронлик қилмоқда, – деди у.

1942 йилда Қалмен Муратов Аяғўз шаҳридаги кичик командирлар тайёрлаш курсини тамомлаб, сержант унвонини олди. Фронтга бориш аризаси бир неча

марта рад этилди, у зобитларни тайёрлаш курсларида таҳсил олди. Кейинчалик Беларусь фронтга йўлланди. 1944 йилда Витебск остонасидаги жангларда жароҳатланиб, 11 гуруҳ ногирони сифатида уйига қайтди. У “Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали ва бошқа байрам медаллари билан тақдирланган.

Қалмен ота урушдан сўнг узоқ йиллар давомида “Берзар” жамоа хўжалигида бригадир сифатида меҳнат қилди, кейинчалик темирйўл соҳасида фаолият юритди. Турмуш ўртоғи билан олти ўғил, икки қиз тарбиялаб, вояга етказди. Бугунги кунда фахрий отахон 31 набаира ва 34 чевара ардоғида.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЎРДАБОШИДА ЭЗГУЛИК МАСКАНИ ҚАД РОСТЛАДИ



Ўрдабоши туманида “Оилани қўллаб-қувватлаш маркази” давлат муассасасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу маскан оғир синовларга рўбарў келган оилаларга таянч бўладиган эзгулик уйи сифатида барпо этилди.

Муассасанинг очилиш маросимида туман ҳокими Азат Ўралбаев, фаоллар, масъул ходимлар ва фахрийлар иштирок этди.

Туман ҳокими ўз табригида марказнинг ижтимоий аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Марказ фаолияти кенг қамровли. Бу ерда ҳаётда оғир аҳволга тушиб қолган фуқаролар ҳамда оилаларга ижтимоий, руҳий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, пробация ҳисобида турган фуқаролар қўллаб-қувватланиб, маиший зўравонлиқнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Туман бўйича 900дан зиёд хавф гуруҳидаги оилалар аниқланган.

Бу эса марказ фаолиятининг беқиёс аҳамиятини тасдиқлайди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» ЭЪЛОН!

ДИҚҚАТ, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ТАНЛОВИ

“Туркистон вилоят саноат ва индустриявий-инновацион тараққиёт бошқармаси” давлат идораси (бундан кейин – бошқарма) – асосий йўналишлар бўйича лойиҳаларни қабул қилади.

1. Экология, атроф-муҳит ва табиатдан самарали фойдаланиш:

а) ҳаво сифатининг асосий масалаларини тадқиқот қилиш.

Лойиҳани амалга ошириш муддати – 30 ой (ишларнинг бошланиши тақвим режаси бўйича – 2026 йил, июль ойи).

Лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағ миқдори – 2026 йилга – 40 миллион тенгедан ошмайди, 2027 йилга – 40 миллион тенгедан ошмайди, 2028 йилга – 40 миллион тенгедан ошмайди.

2. Ҳаёт ва саломатлик:

а) фанлараро илмий тадқиқотлар ва ишланмалар.

Лойиҳани амалга ошириш муддати – 18 ой (ишларнинг бошланиши тақвим ре-

жаси бўйича – 2026 йил, июль ойи).

Лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағ миқдори – 2026 йилга – 20 миллион тенгедан ошмайди, 2027 йилга – 30 миллион тенгедан ошмайди.

3. Агроекономика мажмуасини барқарор ривожлантириш:

а) фитосанитария.

Лойиҳани амалга ошириш муддати – 24 ой (ишларнинг бошланиши тақвим режаси бўйича – 2026 йилнинг июль ойи).

Лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағ миқдори – 2026 йилга – 40 миллион тенгедан ошмайди, 2027 йилга – 60 миллион тенгедан ошмайди.

Лойиҳаларни қабул қилиш муддати – эълон чоп этилган кундан эътиборан 10 (ўн) иш кунини.

Талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Сармоавий лойиҳанинг номи.

2. Лойиҳани жорий қилиш ва тарқатиш соҳаси (қўшимча соҳа).

3. Лойиҳани амалга ошириш бўйича чора-тадбирларнинг қисқача тавсифи (лоийҳанинг асосий мақсадлари ва мазмуни, натижаларининг аниқ қўлланилиши, шу каби лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасини баён қилиш).

4. Лойиҳани амалга ошириш муддати (ойлар бўйича).

5. Лойиҳанинг бошланган ва якунланган кунлари.

6. Сўралган маблағ миқдори (тенге).

7. Ариза берувчининг номи, манзили, телефон рақами, электрон почтаси.

8. Ариза берувчи билан алоқа қилувчи шахсларнинг исм-шарифи, манзили, алоқа рақамлари, электрон почтаси.

9. Лойиҳа етакчиси (илмий-тадқиқот ташкилотининг ходими) – исм-шарифи, лавозими, телефон рақами, электрон почтаси.

10. Лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган субъектларнинг номи, манзили, телефон рақами, электрон почтаси.



Қозоғистон Миллий Банки

РАСМИЙ АХБОРОТ

МИЛЛИЙ БАНК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНДА ИШТИРОК ЭТИШ
УЧУН АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Астана ш.

26 февраль 2026 йил

Миллий Банк пул-кредит сиёсати ва молиявий барқарорлик соҳасидаги тадқиқотларга бағишланган VI илмий-амалий анжуманда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилишни давом эттирмоқда.

Анжуман 2026 йил апрель-май ойларида Алматы шаҳрида ўтказилади.

Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотлар вакилларини қуйидаги соҳавий йўналишлар бўйича маърузачилар сифатида тақлиф қиламиз:

- Макроиктисодий сиёсат;
- Молиявий бозорлар, молиявий барқарорлик ва хатарларни бошқариш;
- Минтақавий йўналишлар.

Иштирок этиш истагида бўлганлар, аризани илмий иш билан бирга 6 март 2026 йил conference@nationalbank.kz электрон почтага “Конференцияда иштирок этиш учун ариза” деб ёзиб юборишлари мумкин.

Анжуманда мақолалар тақдим этиш учун танланган муаллифларга алоҳида хабар берилади. Қўшимча маълумот олиш учун ташкилотчилар билан conference@nationalbank.kz электрон почта манзили орқали боғланиш мумкин.

ОАВ вакиллари тўлиқ ахборотни қуйидаги телефонлар орқали олишлари мумкин:
8(7172) 77-52-10
e-mail: press@nationalbank.kz
www.nationalbank.kz

»» Брифинг



ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мақтаарал тумани ҳокими Бақит Асанов вилоят марказидаги “Алатау” медиа марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, 2025 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда 2026 йилга мўлжалланган асосий режалар ҳақида батафсил маълумот берди.

2025 йил якунларига кўра, туман иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилди, ялпи минтақавий маҳсулот ҳажми 165,7 миллиард тенгегга етди ва ўтган йилга нисбатан 26 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида 85,7 миллиард тенгелик маҳсулот етиштирилди. Деҳқончилик ва чорвачилик йўналишида барқарор ўсиш таъминланди.



Жами 60,3 минг гектар ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Асосий йўналиш – пахтачилик бўлиб, 35,1 минг гектар майдондан 99,1 минг тонна пахта хирмони кўтарилди. Шунингдек, полиз, бошоқли экин ҳамда сабзавотдан ҳам мўл ҳосил йиғиб олинди. Техник янгиланиш доирасида 207 дона янги техника харид қилинди.

2026 йилда ялпи минтақавий маҳсулот ҳажми 102 миллиард тенгегга етказиш режаланган.

Саноат маҳсулоти ҳажми 24,6 миллиард тенгегга етиб, 21,9 фоизга ошди. Қурилиш ҳажми 27,8 миллиард тенгегга етиб, ўтган йилга нисбатан 67,5 фоизга ўсди. Бу йил ушбу кўрсаткични 29 миллиардга етказиш кўзда тутилган. 2025 йилда 37 122 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Туман иқтисодиётига 56,4 миллиард тенге сармоя жалб қилиниб, режа ортиги билан бажарилди. 2026 йилда асосий капиталга 60 миллиард тенге сармоя жалб қилиш режалаштирилган.

Туман индустриал минтақасида 5та лойиҳани амалга ошириш мақсадида 5,16 миллиард тенге сармоя жалб қилинди. Корхоналарда янги иш

ўринлари очилиб, маҳсулотни қайта ишлаш соҳаси салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Жамбил қишлоқ округи ҳудудида махсус иқтисодий минтақа барпо этилди, унда умумий қиймати 185,1 миллиард тенгелик 7та лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган. Натижада, 1200 янги иш ўрни яратилади. “Дарбаза – Мақтаарал” янги темир йўл тармоғи қурилиши давом этмоқда. Узунлиги 152 чақиримдан иборат лойиҳа минтақанинг транзит салоҳиятини ошириб, саноат ва агробизнес учун янги имкониятлар очади. Шунингдек, М-39, “Ташкент – Термез” халқаро транспорт даҳлизининг туман ҳудудидаги 24,1 чақиримида ўртача таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу чегара ўтказиш бекатларининг имкониятини кенгайтириб, юк ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш имконини беради. 2025 йилда аҳоли манзилларининг 92,6 фоизи табиий газ билан таъминланди. 4та янги мак-



таб, 4та янги фельдшер-акушерлик пункти ҳамда 2та янги Маданият уйи фойдаланишга берилди.

Брифинг якунида туман ҳокими Мақтааралнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти доимий назоратда эканлигини таъкидлаб, 2026 йилда ҳам сармоя жалб қилиш, инфратузилмани янгилаш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида тизимли ишлар давом эттирилишини маълум қилди.

Мақтаарал туман ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Бир туман хабарлари



ТАЙИНЛАШ

Сайрам тумани ҳокими М. Ҳазратовнинг буйруғига кўра, Дулат Абилова туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими раҳбари лавозимига тайинланди.

Дулат Тағатули 1990 йил 10 ноябрда туғилган. У М. Аюезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат ҳамда Минтақавий ижтимоий-инновация университетларида таҳсил олган.

Меҳнат фаолиятини туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимида бошлаб, турли лавозимларда хизмат қилган.

ШАХСИЙ ҚАБУЛ ЭЛГА МАҚБУЛ

“АМАНАТ” партиясининг Сайрам туман филиалида туман ҳокими М. Ҳазратов фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилди.

Учрашувга келган 30 нафарга яқин фуқаро, ер муносабатлари, инфратузилма,

кўчаларни ёритиш, уй-жой олиш ва хусусий тартибдаги тадбиркорликка оид масалалар юзасидан муурожаат қилишди. Соҳа мутасаддилари, ўринбосарлар ва бўлим раҳбарларига ҳар бир кўтарилган масалани ҳал этиш борасида топшириқлар берилди.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛДИ

ҚР Давлат хизмати ишлари агентлигининг вилоят бўйича департаменти томонидан мактабларда давлат хизматига қизиқиш билдирган битирувчи синф ўқувчиларини касбий йўналиштириш борасида тизимли ишлар юритилмоқда.

Яқинда туман таълим бўлимида мактаб ўқувчилари иштирокида «Очиқ эшиклар куни» ўтди. Тадбир доирасида ўқувчилар давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолияти, давлат хизматининг ўзига хос жиҳатлари билан танишдилар.

Давлат хизмати кадрларини шакллантириш ва эрта касбий йўналиштиришни ривожлантириш мақсадида «Болашақ» давлат хизматчиси лойиҳаси дастури ишлаб чиқилган. У таълим муассасаларида 7-11-синф ўқувчилари орасида давлат хизмати тамойилларини тарғиб қилиш, ҳалоллик, масъулият, ватанпарварлик руҳини шакллантиришга қаратилган мажмуавий лойиҳа ҳисобланади. Ушбу дастур



2026–2029 йиллар давомида босқичма-босқич амалга оширилиб, ўқувчиларнинг давлат хизмати тизими ҳақидаги тушунчасини кенгайтириш, фуқаролик ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган.

Тадбир давомида туман таълим бўлимининг бош мураттаблари Е. Нишанов ва Т. Макеновалар ўқувчиларни

Ўзларининг иш жараёни билан таништирилди. Ўқувчилар давлат хизматчиларининг вазифалари, малака талаблари ва иш тажрибалари ҳақида батафсил маълумот олдилар.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лав-

ФАҲРИЙЛАР АНЖУМАНИ ЎТДИ

Сариғоч туманида “Ардагерлар ўйими” республика жамоат бирлашмаси туман филиалининг IX анжумани ўтди.

Тадбирда Туркестон вилоят фахрийлар кенгаши раиси Женисбек Мауленкулов, туман ҳокими Арман Абдуллаев, маслаҳат раиси Рисбек Асилбекули ҳамда вилоятдаги барча шаҳар ва туман фахрийлар кенгашлари раислари иштирок этди.

Ташкилот раиси Мустафа Сулейменов туман фахрийлар кенгашининг сўнги 5 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот берди. Шунингдек, “Бувилар кенгаши” раисаси Қулшат Мауленова ҳам 5 йил давомида бажарилган ишлар ҳақида ахборот тақдим этди.

Анжуман давомида иштирокчилар томонидан таклиф мурожаатлар билдирилиб, ташкилот фаолиятига қониқарли баҳо берилди.

Туман раҳбари Арман Абдуллаев якуний сўзида фахрийларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда ёш авлод тарбиясидаги муҳим аҳамиятига тўхталиб, ташкилот фаолиятига муваффақият тилади.

Сариғоч тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

»» “Тоza Қозоғистон”

ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР



Қазигурт туманида экологик маданиятни шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг тозалikka масъуллигини ошириш мақсадида “Тоza Қозоғистон” дастури доирасида умумтуман шанбалиги уюштирилди.

Умумхалқ ҳашар барча қишлоқларда бир вақтда ўтказилиб, уларда давлат хизматчилари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаси мутахассислари, ёшлар ҳамда аҳоли фаол иштирок этди. Ушбу тадбир қишлоқларнинг чиройини очиб, фуқароларнинг бирдамлиги ва масъулиятини намоён этди.

Туман ҳокими Азизхан Исмаилов шанбалик жараёнини шахсан назорат қилиб, амалга оширилаётган тозалик ва ободонлаштириш тадбирлари бир кунлик ташаббус эмас, балки изчил давом этадиган муҳим ва масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлади.

Шанбалик доирасида кўчалар, ҳовлилар, хиёбонлар, жамоат жойлар маиший чиқиндилардан тозаланиб, биноларнинг ташқи қиёфаси тартибга келтирилди. Қуриб қолган дарахтлар қирқилиб, ариқлар тозаланди. Натижада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тизимли давом эттирилиб, қишлоқлар чирой очмоқда.

Тозалик мавсуми доирасида тўпланган чиқиндилар махсус коммунал техникалар ёрдамида чиқарилиб, махсус ўринларга етказилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Қазигуртда туман ҳокими Азизхан Исмаилов раислигида навбатдаги девон мажлиси ўтди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосарлари, девон раҳбари, қишлоқ ҳокимлари ҳамда мустақил бўлим ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибига бешта муҳим масала киритилди.

»» Брифинг

Вилоятда жорий йил бошдан буён 37та ёнгин ҳодисаси қайд этилди. Моддий зарар 160 миллион 760 минг тенгени ташкил қилди, ҳалок бўлганлар ва жароҳат олганлар йўқ. Бу ҳақда вилоят ФВД Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бошқармасининг катта муҳандиси Тамерлан Нурланов маълум қилди.

– Вилоятда юз берган ёнгинларнинг асосий қисми уй-жой бинолари ва автотранспорт воситаларида содир бўлган. Шунингдек, йил бошдан буён газдан зарарланиш бўйича 3та ҳолат қайд этилган бўлиб, 6 нафар фуқаро вафот этган, 1 киши жароҳат олган.

Мамлакатда ёнгинни назорат қилиш соҳасида 51 708 иншоот рўйхатга олинган. Жорий йил мазкур иншоотларда 31 теширув ўтказилди. Натижада, 105 нафар

ТАРАҚҚИЁТ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар ҳисобот бериб, амалга оширилган ишлар сарҳисоби қилинди. Жумладан, бюджет даромадларини барқарор таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш, қўшимча даромад манбаларини излаб топиш ҳамда харажатларни самарали ва мақсадли йўналтириш борасида тизимли иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда кўпмагми дала ишларига тайёргарлик масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Техниканинг тайёргарлиги, ёнилғи захираси, уруғлик билан таъминлаш ҳамда агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш масалалари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу йўналишдаги ишлар доимий назоратда бўлиши қайд этилди.

Шунингдек, ҳудудда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, сув тошқини хавфига тайёргарлик кўриш, хавфсизлик чораларини кучайтириш ва масъул хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш якунида бўлим раҳбарлари ҳамда қишлоқ ҳокимларига белгиланган кўрсаткичларни сифатли ва ўз вақтида бажаришни таъминлаш, ҳар бир йўналиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда самарадорликни ошириш юзасидан топшириқлар берди. Ижро интизомига қатъий риоя қилиш зарурлиги таъкидланди.

Қазигурт тумани ҳокимининг матбуот хизмати.



– Вилоят ҳудудида оморлардаги сув сатҳи ўртача 71 фоизни ташкил этади. Сув тошқини вақтида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида жами 1 064 шахсий таркиб, 124та техника, 11та сузиш воситалари, 92 та сувни сўриш ускунаси ва 44та эвакуацияга мўлжалланган техника, шунингдек, 45 мингта қоп, 5 920 тонна инерт материаллар тайёрланган. Фавқулодда вазиятлар юзага келса, иссиқ овқат ва зарур маҳсулотлар билан ёрдам кўрсатиш мақсадида тадбиркорлар иштирокида 109та меморандум тузилиб, 432 тонна ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари захираланди, – деди соҳа раҳбари.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Обуначиларимиз орасида

ЮГНАКЛИК ТЎЛҚИН ОҚСОҚОЛНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ



Вилоят оқсоқоллар кенгашининг Югнак қишлоғидаги вакили, фаол обуначимиз Тўлқин Умар ўғли Абубакиров жорий йили 84 баҳорни қаршилади.

1942 йили 28 февралда таваллуд топган Тўлқин Абубакировнинг падари бузруквори Умар ота урушга сафарбар қилинган кўйи ватан ҳимояси йўлида шаҳид кетади. Волида мухтарамаси Махбуба ая ўғли Тўлқин ва кизи Тамарани оқ қовиб, оқ тараб, вояга етказилади.

тарак ҳаётлари давомида Матлуба, Манзура, Саодат, Эркин, Мариям, Шаҳноза исмли олий маълумотли, устозлик ва тадбиркорлик жабҳаларида меҳнат қилаётган қобил фарзандлар тарбиялаб, вояга етказди. Невара, эвара, чеваралар оиланинг ишончи ва қувончи.

Жорий йили инсоният фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 81 йиллигини нишонлайди. Мақолама қазрамони падари бузруквори Умар ота урушга сафарбар



лар билан доимий мулоқотда бўлиб, муқаддас қадамжоларни бирга зиёрат қилишни аънамага айлантди. Кўп фарзандли, мархума опаси Тамара Умар қизининг фарзандлари – жиянларини уйли-жойли қилишда бош бўлиб, ёрдами аямади. Қариндошлик оқибати, бурчини виждонан, ҳалол адо этди. Кўп рангдаги “Жигули” “ВАЗ – 21 06” русумли, эски эса-да, янгидек саранжом автоқўликни маҳорат билан бошқаради. Ўзбекистонга сафари чоғида таниқли



»» Муштарийимиз мулоҳазаси

ЎҚИШ ВА ЎРГАНИШ САОДАТИ



Кексаларимиз, кўпни кўрган отахонлару онахонларнинг айтишича, биз истикомат қилаётган ҳозирги даврда фаровон замон бўлган эмас. Фан-техника ривожланган, инсон учун барча қулайликлар муҳайё. Яшашнинг кўзини топ-да, маза қилиб яшайвер. Ўғирлик, бировнинг мулкига тажовуз қилмасанг, бузғунчилик қилмасанг бўлди! Шиддатли ривожланаётган ушбу замонда кунга бир янгилик. Аммо, бу ажойиб замонимизнинг манфий томони ҳам бор: китоб ўқишга одамлар илгаригидек эътиқод қилмай қўйди. Сабаби – уяли телефондаги ижтимоий тармоқ, компьютер ва интернет тизими.

Лекин, шахсан ўзим, бу маълумотларни етарли эмас, деб ўйлайман. Чунки баркамол инсон бўлиш учун маънавият ҳам керак. Инсонни ҳиссиёт бошқаради. Ҳиссиёт эса инсонга баддият орқали юқади. Баддият эса табиийки, икки дунё саодатига элтувчи китоблардан олинади. Китоб бўлганда ҳам кўпроқ бадий асарлардан. Бизда мана шу соҳамиз оқсаяпти. Одамлар билан гаплашганимизда унинг китоб ўқигани ёки ўқимагани сезилиб туради. Ёзма алоқаларда ҳам. Бугунги кунда бирор ариза ёзиш керак бўлса ақсарият одамлар иккиланиб, ийманиб туради. Чунки кам ўқиган, сўз бойлиги кам. Мени маъзур тутасизлар, бу билан ҳамма шу савияда демокчи эмасман. Китоб, газета, журналларни қидириб, топиб ўқийдиганлар кўп. Яқинда жума намозидан сўнг бир нотаниш отахон, чамамда тўқсон ёшларни қоралаб қолган, саломлашиб, бўлгач: “Ўғлим, сенинг фалончи эканлигингни суриштириб топдим, бир нарсасурамоқчиман. Газетада чиққан бир ҳикоянгни ўқигандим, давоми кейинги сонда эди. Нима ҳам бўлиб ўша сони менга келмади. Шу сони сенда сақланмаганим, жуда қизиқиб қолдим-да”, деса бўладими? Шошиб қолдим, сабаби қачон чиққанлиги ҳам ёдимдан кўтарилган эди. Отахоннинг самимий илтимосини бажариш учун таҳририятга бориб, тахлам(подшивка)дан шу газетани топиб бердим. Уч йил олдин чиққан экан. Адабиётга ихлосманд отахоннинг хурсанд бўлганини кўрсангиз эди.

Яна бир мисол. Қўшни қишлоқдаги уруш фахрийсини (бундан бир неча йил олдинги воқеа, унга худо раҳмат қилган бўлсин) уйига ҳол-аҳвол сўрагани бордим. Саломлашдим. Анча тетик экан. У ёқ, бу ёқдан гаплашдик. Каровати ёнидаги столда турли газета, журналлар тахлаб қўйилган экан. Менинг унга бир-икки қараганимни кўриб, қариянинг ўзи гап бошлаб қолди: “Буни нос туфлаш учун, деб ўйлаётгандирсан. Йўқ, кайфиятим кўтарган пайтлари шуларни ўқиб ором оламан, овунаман”, деди отахон.

Ҳа, юртимизда китобни қидириб, топиб, ўқийдиган инсонлар етарли. Яқинда жаҳон халқларининг китобхонлиги ҳақида қизиқари фактни ўқиб қолдим. Ривожланган АҚШ, Хитой, Япония давлатлари аҳолиси бир йилда одам бошига мутулаа қиладиган китоблар сони буйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллар экан. Юртимиз эса бу соҳада охириги ўринда тураркан. Мана, сизга аччиқ ҳақиқат! Болаларимиз китоб ўқишдан совиб кетаяпти, деб нолишади ота-оналаримиз. Лекин ўзимиз-чи?

Кўш уясида кўрганини қилади. Қайси ота-она боласидан “қандай китоб ўқиясан”, деб сўрайди? Йўқ, сўрамайди. Унга уйдаги томорқа ишларини бажарса, бўлди. Унинг келажиги-чи? Қачон бўлса ҳам халқ мақолида айтилганидек, ўқиган ўзади! Тўғри, ўқимаган ҳам яшайди, кунини кўради, ҳатто ишбилармонлиги туфайли ўқиганлардан ҳам ўзиб кетиши мумкин. Лекин барибир ўқиш, ўрганиш саодати гашти ўзгача!

Ҳурматли ота-оналар, фарзандингизга китоб совға қилинг, керак бўлса, вақт ажратиш, шу китобни ўзингиз бошлаб ўқиб бering. Ахир ҳадисларда “Бешиқдан қабргача илм изла”, деб бекорга айтилмаган. Демак, хоҳ дунёвий, хоҳ диний билимларни ўрганишимизни ҳар бир мусулмон биродаримизга фарз қилиб қўйилган экан. Шунда, биз келажак авлодимиздан етук инсонлар чиқишига шароит яратган бўламиз. Давлатимиз бу борада барча шароитни яратиб бермоқда. Вилоят марказидаги “Қуаныш” марказий бозорида “Фараб” кутубхонасининг бўлими очилиб, ишга тушганига анча йил бўлди. Китобларни ўқиб, баҳра олайлик, “Жанубий Қозоғистон” газетасига обун бўлиб, она тилимизда фикрларимизни тўғри ифодалашни ўрганайлик.

Қодир АҲМЕДОВ,

Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.





хонанда, машҳур “Кўк жигули” қўшиғи ижрочиси Озода Нурсаидова концерти томошаси чоғида “Туркистонга келсангиз, кўк “Жигули” кўлигимда шаҳарни зиёрат қилдираман” деган мурожаатига ҳурмат ила тасдиқ жавобини олгани ҳам шонли тарих.

– Ёшлигим уруш йилларига тўғри келди. Очлик, юпунлик, етишмовчиликни кўп кўрдим. Хаёлан ўтмишимни бугунги фаровон ҳаёт билан қиёслаймаман. Ер билан осмондек фарқи бор. Ёшларимиз бугунги ажойиб замонага кўп шукур қилиб, қадрига етишса, яхши. Барча юрдошларимни 15 март яқшанба кунини ўтадиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этиб, янгиланган Бош Қомусимизни қўллаб-қувватлашга даъват этаман, – дейди Тўлқин Умар ўғли суҳбат чоғида.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Тўлқин Умар ўғли; оила аъзолари даврасида; Туркистондаги қадрдон дўстлари билан; Шимкент ва Сайрамдаги қадрдонлари даврасида; қозоқ ва ўзбек тилларида нашр қилган хотира, шажара китоблари.

Муаллиф суратга олган.



дон қишлоғига дафн этгандек кўнгли таскин топди. Юртга худойи оши берди.

Ҳаётда кўрган-кечирганлари, етти аждодлари, Битик авлоди шажараси маълумотлар жамланган, ўзбек ва қозоқ тилларида “Умрим дафтари ёки Битик авлодининг шажараси” (муҳаррир – Қодир Аҳмедов), “Артыңнан жақсы ат қалғаны жақсы” (муҳаррир – Райимжон Алибоев) китобларини нашр қилдириб, фарзандлари, қариндош-уруғларига туҳфа қилиб, маънавият бобида ибрат бўлди.

Нафақа ёшида Туркистон, Саврон, Шимкент, Сайрамдаги элга хизмати синган отахон-

P.S. Вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъати, Шимкент, Сайрам, Туркистон, Саврондаги элга хизмати синган отахонлар, оила аъзолари, фарзандлари, қадрдон қудалари кўллаб давлат ва жамоат ташкилотлари мувофотлари ҳамда ибратли ишлар соҳиб-наси ила муборакбод этиб, мустақкам саломатлик, неварара, эвара, чеваралар камолини умр йўлдоши билан бирга кўриб, кексалик гаштини суришни тилайди. “Жанубий Қозоғистон” таҳририяти фаол обуначисига аталган тилаклар ижобатига ниятдош.

Ёшлиқда кўп қийинчилик кўриб, меҳнатда тобланиб ўсди. Урта мактабдан сўнг Шимкентда киномеханик ихтисоси бўйича ўқиди. Ишлаб юриб, Туркистондаги техникум, сўнг Сирдарё давлат педагогика институтида тахсил олди. Собиқ “Коммуна”, ҳозирги А. Югнакий номидаги умумтаълим ўрта мактабида ёш авлодга таълим берди.

60 йил муқаддам кўкламда Уктам Абубакир қизи билан саодатли турмуш кўрди. Муш-

қилинганда бешиқдаги чақалоқ эди. Отасини кўп қидирди, кўп изланди. Россиянинг Воронеж вилоятида биродарлик қабристонига дафн этилганини Москвага, собиқ СССР мудофаа вазирига тақдор, тақдор ёзма мурожаатидан сўнг топиб, беҳад қувонди. Уша ўлкага сафар чекиб, отаси дафн этилган жойдан бир сиқим тупроқ олиб, қадрдон Югнак қишлоғига элди. Ватан ҳимояси учун ҳалок бўлган отасининг ҳоқини қадр-

»» Заковатли ёшлар



ДИПЛОМДАН ҲАМ МУҲИМРОҚ УЧТА КЎНИКМА

Бугунги шиддат билан ўзгараётган дунёда инсон ҳаёти, касблар, талаблар – барчаси янгилиниш жараёнида. Шу боис, фақат дарсликлардаги билим билан чекланиб қолиш – келажак имкониятларини қисқартириш демакдир. Эндиликда иш берувчилар дипломдан кўра, сизнинг амалий қобилиятингизга, яъни, “нима қила олишингизга” кўпроқ эътибор қаратмоқда. Айниқса, биз – мактаб ўқувчилари келажакни ҳозирдан режалаштиришимиз керак. Бу йўлда учта асосий кўникма алоҳида аҳамият касб этади.

1. Ахборот билан ишлаш маданияти (Медиасаводхонлик)

Бугун ахборот кўп. Лекин ҳар қандай маълумот ҳам ҳақиқат эмас. Билим эгаси ҳамма нарсани ёддан биладиган эмас, балки зарур маълумотни тез топа оладиган ва унинг ишчанлигини таҳлил қилиб, текшира оладиган шахсдир.

Шунинг учун, биз маълумотларни текшириш, турли

манбаларга кириб, бир-бири билан таққослашни ва танқидий фикрлашни ўрганишимиз зарур. Ахборот оқимида адашмаслик – замонавий ҳаётнинг энг муҳим маҳорати-дир.

2. «Юмшоқ» кўникмалар (Soft Skills)
Математика ёки физикани мукамал билиш – бу «қаттиқ» кўникма (hard skill). Жамоада ишлаб олиш, фикрини раво етказиб бериш, тинглай билиш ва келиш олиш муваффақиятнинг аксарият қисми айнан шу сифатларга боғлиқ.

Ўз фикримизни очиб баён қилишни ўрганиш, жамоавий лойиҳаларда фаол иштирок этиш, вақтни тўғри режалаштириш – булар ҳаётда катта устунлик беради. Чунки ҳақиқий ютуқлар кўпинча жамоа меҳнати орқали қўлга киритилади.

3. Технологик мослашувчанлик ва тил

Рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига кириб келмоқда. Сунъий идрок, инглиз тили ва

компьютер саводхонлиги булар энди келажак эмас, бугуннинг ўзидир.

Инглиз тилини камида В2 даражасига чиқариб, сунъий идрок воситалари (масалан, ChatGPT) билан ишлашни ўрганамиз.

Билим – хотирада сақланган маълумотлар йиғиндиси эмас. Бу – янгиликни тез ўзлаштириш ва уни ҳаётда қўлай олиш қобилиятидир. Энг ишончли сарма – инсонни ўзига сарфлаган вақти ва меҳнатидир. Келажакни орзу қилиш билан чекланиб қолмаслик керак. Унга тайёргарлик кўриш керак. Ҳар бир кун – янги имконият. Ҳар бир ҳаракат – янги марра сари қадамдир.

Самира МИРЗАЕВА,
24-сонли А. Жомий номи
умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси.
Жетисай тумани.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхан БҮРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚҶҶОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҶМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги ушбу мақола-лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҒҮҮ0022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-online” ММБ Ўзбекистонда чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10700 нусха.

Бўғим №446.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.